

ПЕКИН СУРИЯГА ИСТИҚБОЛЛИ КЕЛАЖАКНИ ТАҚДИМ ЭТМОҚДА



<https://doi.org/10.5281/zenodo.14166631>

Арипов Шавкат

Тошкент давлат шарқшунослик университети
“Араб филологияси” кафедраси доценти

Annotatsiya : Ushbu maqolada Suriya Arab Respublikasidagi qurolli mojarо, uning oqibatlarі, mamlakatni qayta tiklash uchun boshlangan amaliy xarakatlar, Xitoy Xalq Respublikasining Suriya bilan do‘stona hamkorlik munosabatlarini davom ettirishi va mamlakatni qayta tiklashishlarida faol ishtiroki xaqida so‘z boradi.

Tayanch so‘zlar: Mojarо, inqiroz, mintaqaviy, global xavfsizlik, strategik sheriklik, vakolatxona, O‘rta Yer dengizi

Abstract: This article talks about the armed conflict in the Syrian Arab Republic, its consequences, the practical actions started to restore the country, the continuation of friendly cooperation relations with Syria and the active participation of the People's Republic of China in the restoration of the country.

Key words: Conflict, crisis, regional, global security, strategic partnership, representation, Mediterranean Sea

Бугунги дунёнинг геополитик қиёфаси мамлакатлар ўртасида ўзаро дўстона алоқалар ўрнатишни тақазо қилмоқдаки, бунинг бош омили тинчлик ва осойишталикни таъминлаш бўлса, пировад мақсад мамлакат ва халқлар фаровонлигини орттиришдир. Ўрта Ер денгизининг панорамик манзаралари билан Сурия Араб Республикаси Яқин Шарқ минтақасининг улкан ва такрорланмас маданий мероси, ажойиб табиати, кўхна тарихдан сўзлаб берувчи қадимий шаҳарлари ва такрорланмас таъмга эга маҳаллий маҳсулотлари билан ажралиб туради.

Тўғри, кейинги ўн йилликлардаги қуролли можародан сўнг мамлакат бўйлаб бутун аҳоли пунктлари ва муҳим инфратузилма вайронлигича қолмоқда. Сурия бой маданий меросининг катта қисми вайрон қилинди. Мамлакатдаги ЮНЕСКО Жаҳон маданий мероси рўйхатига кирган барча ёдгорликлар катта зарар кўрди, айниқса, қадимий Палмира шаҳрининг тарихий қисми буткул бузиб ташланди[1:7].

Лекин хозирда, аста-секинлик билан, мамлакатда тинчлик ва осойишталикка хизмат қилувчи қўшимча қадамлар қўйилмоқда. Мамлакатга

дўст бўлган давлатлар Сурияни Яқин Шарқ минтақасида демократик, фаровон ва кучли давлат сифатида кўриш истагини билдирмоқдалар. Хусусан, Россия ташқи ишлар вазирлиги Сурия тинч ҳаёт тарзига қайтгани, фақат ҳукумат назоратига ўтмаган айрим ҳудудлардагина алоҳида нотинчлик ўчоқлари сақланиб қолаётганлиги ҳақида маълумот бериб ўтган эди. Мамлакатдаги инқироз иқтисодийни бутунлай хароб қилди. Агар уруш бошланишидан аввал Сурия ялпи ички маҳсулоти 60,2 миллиард долларни ташкил этган бўлса, ўтган йили бу миқдор 20 миллиардга ҳам етмади. Экспорт миқдори эса 2010 йилдаги 11,4 миллиарддан ўн баробарга қисқариб, 1,2 миллиард долларга тушиб кетди[2:6].

Сурияни қайта тиклашга, уни барча соҳаларда ривожланишига ўз ҳиссаларини қўшишга тайёр дўст давлатлар бирин-кетин ўз ёрдамларини беришни тезлаштирмоқдалар. Мана шундай давлатлардан бири Хитой Халқ Республикаси бўлиб, у Суриянинг давлат суверенитети, ҳудудий яхлитлиги ва миллий кадр-қимматини ҳимоя қилиш бўйича олиб бораётган ҳаракатларини қўллаб-қувватлашини ва ташқи кучларнинг Сурия ички ишларига аралашишга бўлган уринишларига қатъий қарши чиқишини, бундан буён мамлакатнинг барча соҳаларда ривожланишида ёрдам беришини эълон қилди[3:3].

Тарихга назар ташласак, Сурия Хитой билан дипломатик алоқалар ўрнатган илк араб давлатларидан бири бўлганлиги, шунингдек, Хитойнинг БМТдаги муносиб ўрнини тиклаш бўйича резолюцияга ҳаммуаллифлик қилган давлатлардан бири эканлигини кўриш мумкин. Икки давлат ўртасида дипломатик алоқалар ўрнатилганидан буён ўтган 68 йил ичида Хитой-Сурия муносабатлари халқаро муҳитдаги нотинч синовлардан ўтиб, икки давлат ўртасидаги дўстлик вақт ўтиши билан мустаҳкамланиб борди. Стратегик шериклик муносабатларининг ўрнатилиши икки томонлама алоқалар тарихидаги муҳим босқич бўлиб, эришилган ютуқларни мустаҳкамлайди ва янги келажакни очади. Хитой Сурия билан муносабатларни доимий равишда бойитиш ва икки давлат ўртасидаги стратегик шерикликни узлуксиз ривожлантиришга кўмаклашишга тайёр эканлигини доимо таъкидлаб келади. Шу ўринда Хитой раҳбари Си Цзинпиннинг Хитой беқарор ва ноаниқ халқаро муҳит шароитида Сурия билан дўстона ҳамкорлик манфаати нуқтаи назаридан муносабатларини давом эттиришга ва халқаро адолат ва ҳуқуқни таъминлашга тайёр эканлиги ҳақидаги жиддий фикрини эслатиб ўтиш мақсадга мувофиқ бўлар эди[4:6].

Сўнгги йилларда Хитой Сурия билан ҳар бир томоннинг асосий манфаатлари ва муҳим ташвишлари билан боғлиқ масалаларда бир-бирини қатъий қўллаш, ҳар икки давлат ва бошқа ривожланаётган мамлакатларнинг

умумий манфаатларини ҳимоя қилиш, халқаро адолат ва тенгликни қўллаб-қувватлаш учун биргаликдаги саъй-ҳаракатларни давом эттиришини, Сурияни ташқи аралашувга қарши туришда, бир томонламалик ва зўравонликка қарши курашда ҳамда миллий мустақиллик, суверенитет ва ҳудудий яхлитликни ҳимоя қилишда ёрдам беришини катта анжуманларда тасдиқлаб келади. Шунингдек, Хитой Сурия инқирозини бартараф этишда, мамлакатда қайта қуриш ишларини бошлашда, терроризмга қарши кураш қобилиятини кучайтиришда доимо ҳамкорлик қилиши масаласини кўтаради. Сурия Араб Республикасида тинчлик ўрнатиш бўйича ўтказиладиган турли даражадаги сиёсий музокараларда Хитой Сурия масаласини “Сурияликлар бошқаради ва сурияликлар эгалик қилади” тамойили асосида сиёсий йўл билан ҳал қилишни кун тартибига қўяди. Чин давлати қуролли можародан олдин ҳам, ҳозирда ҳам Сурияни бошқа араб давлатлари билан муносабатларни яхшилаш, халқаро ва минтақавий ишларда кўпроқ рол ўйнашини қўллаб келади. У “Бир камар, бир йўл” ташаббуси доирасида Сурия билан ҳамкорликни фаоллаштиришга, мамлакатдан юқори сифатли қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари импортини кўпайтиришга ҳамда Глобал тараққиёт ташаббуси, Глобал хавфсизлик ташаббуси ва ҳамкорликни амалга оширишга тайёрлигини билдириб келмоқда. Тарихан иқтисодий муносабатларда Хитой 2019-йилдан бери Суриянинг асосий ҳамкори ҳисобланади. 2022 йилда Хитой ва Сурия ўртасидаги савдо ҳажми 415,98 миллион АҚШ долларини ташкил этди, Сурия асосан совун ва эфир мойларини экспорт қилади, Хитой эса асосан машиналар, электр машиналари ва ускуналари ва тўқимачилик анжомларини экспорт қилади. Сиёсий муносабатларда эса икки давлат ўртасида юқори даражада яқин алоқалар мавжуд[5:4].

Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, Хитой ва Сурия ўзаро ишонч ва ёрдамга асосланган стратегик шерикликни шакллантириб, бир-бирининг асосий манфаатлари ва муҳим ташвишларига тааллуқли масалаларда доимо бир-бирини қатъий қўллаб келган. Сурия тарихидан маълумки, Хитой мамлакатдаги инқирозни сиёсий йўл билан ҳал этиш тарафдори бўлган ва халқаро ҳамжамиятни Суриянинг ички ишларига аралашмасликка чақирган кам сонли давлатлардан бири ҳисобланади.

Икки давлат ўртасидаги иқтисодий муносабатлар, айниқса Сурияда давом этаётган можаро ва қайта қуриш ҳаракатлари контекстида ортиб бораётган қизиқиш мавзусига айланди. Бу ҳамкорлик Хитойнинг стратегик сармоялари, халқаро санкциялар ва беқарорлик шароитида Суриянинг иқтисодий ёрдамга муҳтожлиги билан тавсифланади. Хитой ва Сурия 1956-йилдан бери дипломатик муносабатлар ўрнатган, бироқ уларнинг иқтисодий алоқалари

сўнгги йилларда жадаллаша бошлаган. Муносабатлар Хитойнинг кенгроқ Яқин Шарқ стратегияси, Суриянинг қайта қуриш ва тараққиёт ёрдамига муҳтожлиги билан шаклланган[6:8].

Хитой урушдан кейинги Сурияда амалга ошириладиган қайта қуриш жараёнининг асосий иштирокчисига айланиш ниятида. 2017-йил ўрталарида Пекинда “Сурияни қайта қуриш лойиҳалари бўйича биринчи савдо ярмаркаси” бўлиб ўтди. Унда Хитой Сурия саноатини қайта тиклаш учун 2 миллиард доллар ажратишни мўлжаллаган бўлиб, 150 тагача компанияни сиғдира оладиган саноат зонасини қуришни режалаштирган. Хитой компаниялари Сурия бўйлаб ўз ваколатхоналарини очишга ва тез-тез бу мамлакатга делегациялар жўнатишга тайёргарлик кўрмоқда. Асад ҳам Хитойни Сурияни халқаро изоляциядан чиқишига ёрдам бериш учун вайронага айланган иқтисодиётига сармоя манбаи сифатида кўради. Бошқа томондан, Хитой ҳукумати учун Суриянинг Ўрта Ер денгизининг шарқий соҳилидаги географик жойлашуви жуда муҳимдир[7:12].

2018-йил сентябрь ойида бўлиб ўтган 60-Дамашқ халқаро савдо ярмаркасида 200 дан ортиқ Хитой компаниялари, асосан давлатга тегишли бўлган компаниялар иштирок этди. Бу ерда Хитой турли даражадаги электр станцияларни қуриш, автомобил ишлаб чиқариш ва касалхоналар тизимини ривожлантириш каби битимларни тузди. Хитойнинг энг йирик лойиҳалари қаторига Huawei компаниясининг 2015-йилда Сурия телекоммуникация тизимини қайта қуриш мажбурияти ва Хитой Миллий нефт корпорацияси Суриянинг иккита йирик нефт компанияси – “Syrian Petroleum Company “ ва “Al Furat Petroleum”да катта улушларга эгалик қилади[8:26].

Дамашқ мамлакатда қуrolли можаро асоратларини бартараф этиш, мамлакатни қайта тиклаш Сурия ҳукуматига 195 миллиард долларга тушиши мумкинлигини тахмин қилса, Жаҳон банки эса бу маблағ 250 миллиард долларга етиши мумкин, деган хулосага келган. Бу рақам эса Суриянинг 2010 йилдаги ЯИМидан тўрт баробар кўпдир.

Ғарб давлатларининг босими кучайган ҳозирги кунларда Сурия Президенти Башар Асаднинг 2023 йилнинг сентябр ойида Пекинга расмий ташрифи самарали ташкил этилади. Хитой Асад учун 2011-йилда ярим миллиондан ортиқ одамнинг ҳаётига зомин бўлган, миллионлаб одамлар ўз уй-жойини тарк этган ва Сурия инфратузилмаси ва саноатини вайрон қилган фуқаролик уруши бошланганидан бери Яқин Шарқдан ташқари ташриф буюрган кам сонли давлатлардан биридир. Таҳлилчиларнинг фикрича, Асаднинг ташрифи унинг АҚШ етакчилигида йиллар давомида яққаланиб қолганидан кейин халқаро ҳамжамиятга қайтиш йўлидаги муҳим қадамдир.

Шунингдек, Араб етакчисининг, шубҳасиз, ташрифдан ўзининг яккаланган лидер сифатидаги имиджига қарши чиқиш ва ўзини ҳеч бўлмаганда глобал жануб назарида қайта тикланган раҳбар сифатида кўрсатишга ҳаракат қилиш учун фойдаланиш ва энг муҳими, Асаднинг камдан-кам амалга оширадиган ташрифи Ғарб санкциялари туфайли ўн йилдан ортиқ давом этган дипломатик яккаланиш (изоляция) га барҳам бериш ва дунёнинг иккинчи йирик иқтисодиёти билан савдо алоқаларини мустаҳкамлашга уриниш сифатида тушуниш мумкин[8:36].

Икки мамлакат раҳбарлари томонидан ўтказилган музокаралар натижасида давлатлар ўртасида стратегик шериклик тузилганлиги эълон қилинди ҳамда “Бир камар, бир йўл” ташаббусини биргаликда ривожлантириш, иқтисодий алмашинув ва ривожланиш, шунингдек, иқтисодий ва технологик ҳамкорликка оид бир қанча ҳужжатларни имзоланди.

Маълумки “Бир камар, бир йўл” ташаббуси 2013-йилда Хитой томонидан илгари сурилган бўлиб, қадимий Ипак йўлини рамзий маънода қайта тиклашдир. Унинг мақсади Хитойнинг Марказий Осиё, Яқин Шарқ, Европа, Африка ва бошқа минтақалар бозорларига кириш, шунингдек, кўпроқ мамлакатлар иштирокида халқаро савдо ва инвестиция лойиҳаларини фаоллаштириш ва манфаатдор давлатлар капиталидан фойдаланишдир. Ҳозирда 150 дан ортиқ давлат ва халқаро ташкилотлар бу ташаббусга аллақачон қўшилган.

Яна шуни таъкидлаш керакки, Суриянинг араб дунёсига қайтарилишида ҳам Хитойнинг ўрни бекиёс бўлди. Пекиннинг Яқин Шарқ бўйича махсус вакили Чжай Жун шу йили Сурияга ташриф буюриб, Президент билан учрашувдан сўнг Хитой Суриянинг араб давлатлари билан муносабатларини яхшилашда конструктив рол ўйнашда давом этишга тайёрлигини билдирди. Ва Сурия ҳукумати масаласи Хитой раҳбарининг Саудия Арабистонига ташрифи чоғида ўтказилган муҳокамалар кун тартибига киритилган эди. Бу масалани Си Цзинпин феврал ойида Пекингга расмий ташриф билан келган Эроннинг собиқ раҳбари Иброҳим Раисий билан бўлган музокараларда ҳам муҳокама қилган эди.

Суриядаги инқирозга эътиборни қаратилса, Пекин томони уни ҳал қилиш бўйича ўз таклифларини берган эди, жумладан, 2021 йилда Хитой ташқи ишлар вазири Ван И Дамашққа ташриф буюриб, Сурия муаммосини ҳал қилиш бўйича тўрт банддан иборат таклифни тақдим этади. Таклиф Суриянинг суверенитети ва ҳудудий яхлитлигини ҳурмат қилиш, Сурия халқининг танловини ҳурмат қилиш, қайта қуриш жараёнини тезлаштириш, санкцияларни бекор қилиш ва терроризмга қарши кураш, инқирозга сиёсий ечим топиш ва Сурия

фракциялари ўртасидаги келишмовчиликни маслаҳатлашув ва диалог орқали ҳал қилишга асосланган эди. Пекин хатто АҚШ, Исроил ва Туркияга Сурия ҳудудидаги қонунбузарликлари юзасидан аниқ маълумотларни юборади. Таҳлилчилар Сурияга қарши санкцияларни бекор қилишга чақирар экан, бу йўналишда Пекин санкцияларга қарши чиқишига ишонишади. Хитой, шубҳасиз, ихтиёрий равишда Сурияга катта фаровонлик олиб келиш имкониятига эга бўлган давлатдир[9:3].

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, Сўнгги ўн йил ичида оддий сурияликларнинг ҳаёти жиддий жабр кўрди ва уларнинг аҳволи Ғарб томонидан атайлаб эътибордан четда қолди. Бундан фарқли ўлароқ, Хитой дипломатик ва иқтисодий ёрдам кўрсатиб, ташқи кучларнинг Сурия ички ишларига аралашмасликларига ва барча тегишли давлатларни мамлакатга қарши ноқонуний бир томонлама санкцияларни бекор қилишга чақиради. Сурия Араб Лигасига қайта қабул қилинганига қарамай, Саудия Арабистони ва Бирлашган Араб Амирликлари, шунингдек, Иордания ва Ироқ каби қўшни давлатлар Сурияга хусусий сармоя киритишга ижобий қарамасликлари ва сиёсий кузатувчилар бунинг учта асосий сабаби бор эканлигини билдириб ўтадилар, яъни биринчидан, Сурияга қарши кенг кўламли халқаро санкциялар муаммодир, чунки улар Сурия билан ҳамкорлик қиладиган ҳар қандай учинчи томонга ҳам тегишлидир. Иккинчидан, Суриядаги ишбилармонлик муҳити унчалик жозибали эмас, у ерда ҳали ҳам беқарорлик ва коррупция кўп. Учинчи омил - нефт ёки газ каби тез даромад келтирадиган барча инвестициялар аллақачон руслар ва эронликлар томонидан эгалланган.

Яна бир муҳим жиҳати шу эдики, Пекин Ғарбий Осиёда илгари ҳеч қачон бўлмаган ролни ўз зиммасига олмоқда. Тарихга назар ташласак, Хитой ҳеч қачон АҚШ иродасига қарши Эрон ва Саудия Арабистони каби бир вақтлар ўзига қарши бўлган давлатларни ўз зиммасига олмаган эди.

Бугун Хитой Сурияда иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан каттароқ рол ўйнашни истайди. Кейинги жараёнлар шуни кўрсатмоқдаки, Сурияликлар Хитой сармоясига катта қизиқиш билдирмоқдалар ва хитойликлар бу муҳокамаларга очиқ эканликларини турли даражадаги учрашувларда билдирмоқдалар. Барча қийинчиликларга қарамасдан Пекин Сурияга ҳамкорликни кенгайтириш учун истиқболли келажакни тақдим этмоқда.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР (REFERENCES)

1. Болаткызы Н. Позиция Китая по Сирийскому конфликту <https://isca.kz/ru/homepage-ru>

2. [Матия Шерич](#). Верные союзники: стратегическое партнерство Китая и Сирии. ИноСМИ, 29.10.2023 ,<https://inosmi.ru/>
3. Малвани П. Сирия: Китай хочет диалога для политического решения // <https://me-confidential.com/16590-syria-china-wants-dialogue-for-a-political-solution.html>.
4. Китай раскритиковал разграбление богатства Сирии со стороны США, Пренса Латина, 4 июля, 2024
5. Цзюнь Цяо, Итун Ли и Минсюань Хуан. Отношения между Китаем и Сирией в контексте BRI // Институт политики и экономики Ближнего Востока. 2021. №1. С.23-31
6. China to help reconstruct war-battered Syria. Al Jazeera and news agencies <https://www.aljazeera.com/news/2023/9/22/china-to-help-reconstruct-war-battered-syria>
7. <https://www.dw.com/en/top-stories/s-9097>
8. <https://thediplomat.com/06/16/2023> June 16, 2023
9. <https://mepei.com/>